



141100, Нурабод шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,  
Тел: 633-16-34, Fax: 231-98-81, nurobod@samarqand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д. 2  
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarqand.uz

2017 йил 12 июл

№ 634-й

**Нурабод туманидаги “Жом” маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи  
“181 милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жой билан  
таъминлаш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2906 сонли “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларини хизмат уй-жойлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар беришни тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссияси аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича комиссия аъзоларининг “Жом” маҳалласи ҳудудидан “181-сонли милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жой билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан 200.0 кв.м. ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин ва ер майдони ажратиб берилсин.

2. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га “Жом” маҳалласи ҳудудидан “181-сонли милиция таянч пункти” профилактика инспекторини уй-жойнинг ер майдонини натура тарзида ўлчаб берилиши, қурилиш учун АРТ-1-2 ҳужжатлари ҳамда шаҳарсозлик талаблари асосида лойиҳа ҳужжатлари ва белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши бўйича донмий мониторинг ўрнатиш ишларини амалга ошириш вазифаси топширилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (Ф.Эргашев) зиммасига ажратилаётган ер майдонининг ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ер ҳисоботида белгиланган тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

Туман ҳокими



Ф. Заиров